

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*

УДК: 336.27 (575.1)

**ЭРГАШЕВ РУСТАМ РАЖАБОВИЧ**

**СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИНИ**  
**ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МЕХАНИЗМЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**


**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини**  
**олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**  
**иқтисодиёт фанлари доктори,**  
**И.М. Ниязметов**

**ТОШКЕНТ – 2022**



# СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I-БОБ. НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ ВА УНИ СОЛИҚ ВОСИТАСИДА ЖИЛОВЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	12
1.1. Норасмий иқтисодиётнинг моҳияти, юзага келиш сабаблари ва таркибий элементлари. ....	12
1.2. Солиқ сиёсатининг норасмий иқтисодиёт билан боғлиқ механизмлари. ....	26
1.3. Норасмий иқтисодиётни солиқ воситасида жиловлашнинг назарий асослари.....	36
Биринчи боб бўйича хулосалар .....	49
<b>II БОБ. НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИНИ СОЛИҚ СИЁСАТИ МЕХАНИЗМЛАРИ ВОСИТАСИДА ЖИЛОВЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ</b> .....	51
2.1. Солиқлар воситасида норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартириш борасида хорижий давлатларда амалга ошириб келинган ишлар таҳлили..	51
2.2. Ўзбекистонда норасмий иқтисодиёт ҳолати, юзага келиш сабаблари ва солиқ омиллари.....	69
2.3. Яширин иқтисодиётни келтириб чиқарувчи омиллар таснифи ва улар таъсир даражасининг эконометрик таҳлили. ....	81
Иккинчи боб бўйича хулосалар .....	100
<b>III БОБ. НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН СОЛИҚ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b> .....	103
3.1. Норасмий иқтисодиётни солиқ механизмлари воситасида жиловлаш бўйича Ўзбекистон амалиёти.....	103
3.2. Норасмий иқтисодиётни солиққа жалб қилишда истеъмолни солиққа тортиш механизмларидан самарали фойдаланиш. ....	122
Учинчи боб бўйича хулосалар .....	137
<b>ХУЛОСА</b> .....	139
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	142
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	157

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётига кўра, аксарият мамлакатларда норасмий иқтисодиёт улуши паст бўлиши иқтисодий ўсиш суръатларининг нисбатан юқори бўлиши ва бюджет даромадларининг кўпайишига таъсир этмоқда. “Жаҳонда иқтисодиёт тенденцияси 1970 йиллардан давлат бошқарувига ва 1990 йиллардан бозор механизмларига асосланган тизимга ҳамда 2022 йил ҳолатида эса тобора интеграциялашган ва глобаллашган, шу билан бирга кўпгина мамлакатларда норасмий иқтисодиётнинг улуши устунлик қилаётган жаҳон иқтисодий ўсишига ўтилган”<sup>1</sup>. Норасмий иқтисодиёт улуши юқори бўлган мамлакатларда бюджет даромадларининг камайиши ва иқтисодий ўсишнинг пасайиши кўпроқ кузатилади. Бугунги кунда дунё тажрибасида ҳам яширин иқтисодиётнинг реал даражасини аниқлаш ва уни камайтириш мақсадида иқтисодий фаолиятни тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Бунда солиқ сиёсати иқтисодиётни тартибга солишдаги энг таъсирчан механизм сифатида норасмий иқтисодиётни жиловлаш мақсадларида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳукуматлар томонидан солиқ механизмлари орқали норасмий иқтисодиёт улушини камайтиришда истеъмол солиқлари ва даромад солиқларини такомиллаштириш ҳамда солиқ юқини оптимал даражада белгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида норасмий иқтисодиёт улушини камайтириш бўйича халқаро миқёсда доимий равишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Жаҳон амалиётида сўнгги йилларда яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришнинг самарали йўлларида бири сифатида кўпроқ молиявий механизмлардан фойдаланиш, хусусан, солиқ сиёсатининг норасмий иқтисодиётни самарали бошқариш ва уни камайтиришга қаратилган

---

<sup>1</sup> I.Ngouhouo, L. Njoya, S.Asongu, “Corruption, Economic Growth and the Informal Sector: Empirical Evidence from Developing Countries” African Governance and Development Institute, 2022, WP/22/014, P-3.